

## Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври ҳарбий мусиқий чолғулари “к о н ц е п ц и я” си тарихи

Саид Болта-Зода САИДИЙ  
с.ф.н. Нав.ДПИ, доц.в.б.

*Жаҳон олимлари диққатининг марказида Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даври тарихи хулосаларидан келиб чиққан ҳолда, манбаъларда шундай маълумотлар келтирилганки, унда; «Хазрат Соҳибқирон Оллоҳ назоратида », манбаъларнинг яна бирида «Соҳибқирон Амир Темурни оллоҳ ерга осойишталик, озодлик, ахлоқ, маданият ва маърифат, поклик ва ҳалоллик, ҳақиқат ва адолат ҳамда Оллоҳга иймон келтириши, Муҳаммад Алайҳ салом йўлида бўлиши учун ерга юборилган. Уни оллоҳ назорат қилмоқда ва йўналтирмоқда », дейилган.*

*Оврўпо олимлари қаламларига мансуб шундай мисралар битилган; “Замон келиб ёшлар тарихимизни ўқиб, шуни билсинларким, Соҳибқирон замин деб номланган планетамизнинг хоҳлаган бурчагига қўли етганва у икки йўл билан амалга оширилган. Бири сулҳ ва итоат, иккинчиси эса Соҳибқирон сулҳини бузиб навс баландлик қилса, унда Соҳибқирон ва шавкатли қўшинларига қуръон такбири тушурилиб, жанг ва оқилона ғалаба билан қўлга киритилган ”.*

*Шарқдаги Шайхлар ва илму дониш марказининг хулосасида, ушбу даврда Маккани Мир Шайх Саид –Шариф Имом Хазратлари бошқариб турган ва Соҳибқироннинг қўлида “Титул” тутқизган. Ушбуда эса тилло суви билан шундай сатрлар ёзилган; «Соҳибқирон Амир Темур ислом динининг тарқатувчиси ва “Оллоҳнинг қиличи”, деб, тилга олинган таффакуру олам тарих зарварақлари мавжуд».(1)*

Соҳибқироннинг Ватан мустақиллиги, ободлиги, сиёсий бошқарув тизими унинг иқтисодий, маданий тараққиёти, халқаро нуфузи, миллий давлатчилик сиёсати ҳеч бир саркардага бўлмаган!. Зеро, Амир Темур ўз

даврининг катта маънавий салоҳиятли ватанпарвари, миллатпарвари, атоқли давлат арбоби ва саркардаси, ул қувваи ҳофизаси бўлган.

Чунончи тарихчи ан - Насафийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад саройида ўтказилган тантаналарда турли мамлакат ва вилоятларнинг асир олинган **27** - та хукмдорлар саф тортиб, ноғораларда “ Нубай Зу-л- қарнайн ” усулини чалиб туришган.

Соҳибқирон Амир Темур даври ҳарбий чолғуларини таснифланиши ва турланишини бир тизимга солиб, замонавий таснифланиш ва турланиш билан таққослаганда илк маротаба йирик концепцияни юзага келтиради, булар:

1. **Идиофонлар:** жарос (чарос), жон, ғўла, санж, занжир, ғул-ғул.
2. **Мембранафонлар:** ноқур, дойра, дов, дафф, дапп, кўс, табира, катта ва кичик ноғоралар, алоҳида чиндоул [тулумбас], довул, духул [духол], кўшноғоралар [катта ва кичик ноғоралар], таблак, табллар, нодир, наққои, коварга [қобарка].
3. **Хордофонлар:** қонун, чанг, танбур, тамбур-дилкаш, ғижжак, ситор, рубоб, манзур, арфа [лютна, сиқор], чижжак, хучир ва турли хил Афғон ва Покистонга яқин тожиклар чолғуси.
4. **Аэрофонлар:** бурғу, буғ, нафир, сур [тирсакки қарнай қаттиқ қайрилилган], қоранай [ҳозирги қарнай], найи-Румий, сурнайлар тури, шон, чабчиғ, гонг, шохфар, дунай, сафеднай, сиёҳнай, дукат, шонфур ва ҳоказо чолғуларни ташкил этган.
5. **Зооморфологик:** (ҳайвон шохлари ва суягидан ҳамда денгиз табиий жонзодидан иборат бир тонли дағал ва кенг акустикадан иборат пуфлама чолғулар);-буғ, бурғу, шохфар, гонг, денгиз чиғаноғи;- дан иборат бўлган.
6. **Позооморфологик:** (аскарлар томонидан “Гилд”, “донак” ва “суяк”-дан тайёрланадиган минатюра ва совға учун ясалган турли хил шакллардаги

\*. «Зу-л-қарнайн» - ривоятларда келтирилишича, Александр Македонский саройи дарвозасининг иккита шоҳи бўлиб, шу икки шоҳ сабаб у «Зу-л-қарнайн» [«икки шоҳли»] деб лақаб олганди. Бошқа ривоятларга қараганда, Искандар [Александр] бошидаги дубулғанинг [шлем] иккита шоҳи бўлган.

чолғулар ва мулти-ансамбллар);- чуррак (олхўри донагидан тайёрланган), булбулча, тойча, дев, хўрозча ва бошқалар эса гилддан ясалган.<sup>1</sup>

Юқорида кўрсатилган Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврининг ҳарбий ва мусиқий чолқулари ҳамда номусиқий сифатларидан иборат илк концепция, биз кутган долзарб илмий ютуғларимиздан бири эканлигини ҳолисона билдирмоқчимиз!.

Амир Темур давридаги бой маънавий муҳит мусиқа санъатининг асосий йўналишлари – чолғучилик ва ижрочилик, бастакорлар ижроси, шунингдек, мусиқа ҳақидаги фаннинг ривожланишига кенг имкон берди. Мусиқачиларни касбга ўргатиш бўйича санъатнинг бошқа турларида қабул қилинган «устоз-шогирд» тизими муттасил ишлаб турарди. Бу нарса фақат Самарқандда, Амир Темур қошидагина бўлмай, балки унинг ворислари – Шохруҳ, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Бобурийлар даврида Бухоро, Хива, Ҳирот, Балх, Қобулда ҳам давом этган.

1. Каримов И.А. “ Янгисҳа фикрласҳ ва исҳласҳ-давр талаби”. 5-жилд.Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 181-182 бетлар.

2. С.Саидий “Марказий Осиё маданиятида урма чолғулар (ўзбек ва тожик мусиқа анҳаналари мисолида)”. “мусиқа” нашриёти.Тошкент.2008.

3.Амир Темур ва темурийлар даврида ҳарбий ва сарой мусиқа ижросҳилиги услублари  
РИСОЛА УЛ - СҲАРАФИЯ СОҲИБҚИРОН (сҳолғусҳунослик фанидан ўқув қўлланмаси)

**Navoiy davlat pedagogika instituti, “Musika” kafedra s.f.n.dots v/b, Saidiy Said Bolta-Zodaning «Sohibqiron Amir Temur va temuriylar davri harbiy musiqiy cholg’ulari “k o n s y e p s i y a” si » tarixi deb nomlangan ilmiy maqolasiga  
TAQRIZ**

Sohibqiron Amir Temur va temuriylar davrida urma cholg’ular harbiy unvon va daraja nishoni sifatida qo’llanilgan. Bu haqda Sohibqiron o’zining mashhur «Tuzuklari»da maxsus bo’lim - «katta nog’ora va bayroq ato etish» «tuzugi»da alohida to’xtalib, quyidagilarni yozadi: «Amr qildimki, o’n ikki katta amirlarning har biriga bitta bayroq va bir nog’ora berilsin.

Amir ul- Umaroga bayroq, nog’ora, tug’ va chortug’ taqdim etsinlar. Mingboshiga esa bir tug’ va karnay [nafir] bersinlar. Yuzboshi va o’nboshiga bittadan katta nog’ora [tabal] bersinlar», «Aymoqlarning amirlariga bo’lsa, bittadan burg’u taqdim etsinlar. To’rt beglar begining har biriga bittadan bayroq, nog’ora, chortug’ va burg’u bersinlar.

Muallifning ko’p yillik ilmiy izlanishlari diqqatida Sohibqiron Amir Temur va temuriylar davri harbiy cholg’ularining jahon standartlariga xos tizimi, zamonaviy tasniflanish va turlanishi **ilk marotaba yirik konsepsiyasiga** erishgan bo’lib, bular: **Idiofonlar, Membranafonlar, Xordofonlar, Aerofonlar, Zoomorfologik, Pozoomorfologik** deb yuritiluvchi atamalar jahon standartlariga xosdir.

Kelajakda yosh mutaxassis kadrlar ushbu atamalarning mohiyati va zamonaviy cholg’ularimizni ushbu atamalar yordamida o’rganishlari, shuningdek, har bir talaba o’z qo’lidagi cholg’usining qaysi sinflanish va cholg’u turiga tegishlilikini bilib olishi lozim deb bilamiz.

Xullas; Navoiy davlat pedagogika instituti, “Musika” kafedra s.f.n.dots v/b, Saidiy Said Bolta-Zodaning «Sohibqiron Amir Temur va temuriylar davri harbiy musiqiy cholg’ulari “k o n s y e p s i y a” si » tarixi deb nomlangan ilmiy maqolasini Respublika jurnal va ilmiy konferensiyalarda nashr etishga tavsiya etaman.

**Taqrizchi: SH.Usmonov NavDPI,  
“Pedagogika” kafedra o’qituvchisi**